

## **ЖАМИЯТДА ҒОЯВИЙ БИРДАМЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛАТЛАРО ТОТУВЛИК ВА ДИНИЙ БАҒРИЕНГЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Махмуд Хамидович САЙИДОВ**

Мустақил изланувчи

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги  
Ижтимоий тадқиқотлар институти  
Тошкент, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Мақолада жамиятда ғоявий бирдамликни таъминлашда миллатларо тутувлик ва диний бағриенгликни аҳамияти борасидаги фикрлар илмий таҳлил этилган. Мамлакатимиизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, миллатларо тутувлик ва диний бағриенглик муҳитини таъминлашнинг долзарб вазифа эканлиги қабул қилинган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** жамият, ғоя, бирдамлик, таълим, тарбия, маънавият, маърифат, тафаккур, миллатлараро тутувлик, диний бағриенглик, тинчлик, барқарорлик.

## **ЗНАЧЕНИЕ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОГО СОГЛАСИЯ И РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ИДЕОЛОГИЧЕСКОЙ СОЛИДАРНОСТИ В ОБЩЕСТВЕ**

**Махмуд Хамидович САЙИДОВ**

Независимый исследователь

Институт социально-духовных исследований  
при Республиканском центре духовности и просветительства  
Ташкент, Узбекистан

### **Аннотация**

В статье с научной точки зрения анализируются идеи межнационального согласия и религиозной толерантности в обеспечении идеологической солидарности в обществе. Также в статье освещаются мнения о том, что актуальной задачей является сохранение мира и стабильности в стране, поддержание идеологической солидарности в обществе, обеспечение атмосферы межнационального согласия и религиозной толерантности.

**Ключевые слова:** общество, идея, солидарность, образование, воспитание, духовность, просвещение, мышление, межнациональное согласие, толерантность, мир, стабильность.

Бугунги кунда дунё миқёсида таҳликали вазиятнинг тобора авж олиши миллатлараро тутувлик ва диний бағриенгликни таъминлашда жиддий

фикрлашни тақозо этмоқда. Кундан-кун авж олиб бораётган маънавий хуружлар, ёт ғоя ва мафкуралар таъсирида инсон қалби ва онгини забт этиш учун кураш тобора кенгайиб бормоқда. Жаҳонда шиддат билан кечеётган кескин ғоявий курашлар, турли мафкуралар тўқнашуви оқибатида ҳар қандай жамият ва давлатнинг хавфсизлигига жиддий рахна солинишини англаш қийин эмас.

Хусусан, тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солишга интилаётган экстремизм, терроризм, ақидапарастлик каби иллатлар афкор оммани доимо ташвишга солиб келмоқда. Бу ҳақда, фикр юритганда Президентимиз қайд этганидек: “Барчангизга маълумки, ҳозирги вақтда дунёning турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гурӯҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда” [3]. Шу боис бу борада мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, жамиятда ғоявий бирдамликни асрарда миллатларо тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Айниқса, бундай ҳолатга бўлган ижобий муносабат мамлакатимиз тараққиётида янги даврнинг бошланишга замин яратди. Халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятининг тараққий этишида мазкур омиллар фуқароларимизни, хусусан, ёш авлодни она Ватанга фидойи ва садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз навбатида, мазкур омиллар Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Айниқса, “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” [1]нинг устувор йўналишларидан бири «Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани

янги босқичга олиб чиқиши» асосий вазифа этиб белгиланган. Ушбу вазифани амалга оширишда, Жамиятда миллатлараро тутувлик ва динлараро бағрикенглик мұхитини мустаҳкамлаш, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг изчил амалга оширилишини таъминлаш, турли миллат ёшлари учун қўшимча қулай шартшароитлар яратиш, уларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, бағрикенгликка асосланган миллатлараро мұомала маданиятини юксалтиришнинг ғоявий-мафкуравий асосларини ўрганиш ва таҳлил этиш долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётини тубдан янгилашга қаратилған ислоҳотларимизнинг мұхим устувор вазифаларидан бири ҳар томонлама етук бўлган авлодни тарбиялаб, вояга етказишиңи тақозо этмоқда. Айнан, бугунги кунда мамлакатимизда диний-маърифий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида халқимизни мана шундай эзгу ғоялар сари дадил одимлаётганлигини теран англаш мумкин. Бугунги кунда мамлакатимизнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоя асосида тараққиётнинг янги даврига қадам қўйгани, амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар энг аввало, юксак фаровонликка замин яратмоқда. Юртимизда илм-фан, таълим-тарбия ва диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида катта ўзгаришлар буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда. Бугун юртимизда олиб борилаётган жадал ислоҳотлар кўлами, шиддати ҳамда кенг қамрови билан дунё нигоҳини ўзига қаратмоқда. Давлатимиз раҳбари бошчилигига олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз кетганда жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимизга нисбатан “Янги Ўзбекистон” деган иборанинг тилга олинаётгани, албатта, мамлакатимиздаги ўзгаришларга берилаётган муносиб баҳодир. “Янги Ўзбекистон – бу “Халқ манфаати ҳамма нарсадан улуғ” деган эзгу ғоя амалий ишлар билан ўз тасдигини топаётган замондир” [7]. Албатта, юртимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар ва янгиланишлар мазкур инсонпарвар

гоя асосида амалга оширилмоқда. Бугун Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакат сифатида эътироф этилиб, унинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Ҳар бир инсон баҳтли ҳаёт кечириши учун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар юртдошларимизнинг қалбини янада қувонтируммоқда. Юртимизда бугунги кунда инсон қадри, эркинлиги, баҳтсаодати, тенг хуқуқлилигини таъминлаш, инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун керакли шарт-шароитлар яратилган. Бу эса “Давлат – инсон учун” тамойилининг амалдаги ифодасидир. Зоро, инсон ва унинг баҳт-саодатига, ҳалқ манфаатларига хизмат қилиш инсонпарварликнинг асосий мезони саналади.

Мамлакатимизда “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойилни тўла рўёбга чиқариш, Конституция ва қонун устуворлигини, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлаш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил этади ва давлатимиз сиёсатида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини эълон қилиши жараёнларида ҳам миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликни таъминлаш орқали тинчлик ва барқарор тараққиёт асосларини мустаҳкамлашда барча дин вакиллари орасида можаролар бўлмаганлигига тарих гувоҳдир. Бу ҳақда, фикр юритганда Президентимиз қайд этганидек: “...Бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандлариdek ахил ва инок яшамоқда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, ҳалқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўйнамоқда” [4], Мазкур ҳолат, ўз навбатида, Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, конфессиялараро ҳамжиҳатлик иноқлик ва бирдамликнинг нодир тимсоли сифатида намоён бўлиб, барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг ижобий намунаси эканлигидан далолат беради. Бинобарин, маънавиятимизнинг узвий қисми ҳалқимизга хос этник маданий ва диний

бағрикенгликнинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади, буни ўзга дин вакиллари ҳам эътироф этишади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [2] фармонида мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Шунингдек, мазкур фармонда жамиятда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Дунё тараққиётидан маълумки, жаҳондаги мавжуд динлар ўз моҳиятига кўра, ўзида эзгулик, тинчлик, яхшилик, дўстлик ҳамда бунёдкор ғояларни мужассам этади. Айниқса, дин инсонларни ҳалоллик ва покликка, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади.

Бугунги кунда юртимизда таъкидланганидек, 130 дан ортиқ миллат ва элатлар ўзаро иноқ, тотувлиқда яшаб келмоқда. Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташқилотлар эркин фаолият юритмоқда. Ўз навбатида, мазкур конфессияларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча имкониятлар мавжуд. Давлат таълим муассасаларида ўқитиши 7 тилда олиб бориляпти. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан 12 тилда кўрсатув ва эшиттиришлар

тайёрланмоқда. Юртимизда ҳукм суроётган миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглиқ, дўстлик ва бирдамлик мұхити ҳукм суриб, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш орқали Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обў-эътиборини янада юксалтиришда мұхим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги қунда Ўзбекистонда тинчлик ва тараққиётни таъминлаш мұхим аҳамият касб этади. Республикада тинчлик-осойишталик, барқарорлик ва фаровонлик мұхитининг ҳукм суришидан барча дин вакиллари бирдек манфаатдор. Ўз навбатида, давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди. Ҳақиқатан ҳам, “...ҳозирги вақтда дунёning турли минтақаларида миллатлараро ва динлараро кескинлик кучайиб бормоқда, миллатчилик, диний муросасизлик бош кўтармоқда. Бу иллатлар давлатни емириб, жамиятни парчалаб, радикал гуруҳ ва оқимлар учун мафкура базасига айланмоқда. Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш биз учун борган сари мұхим аҳамият касб этмоқда. Ҳеч шубҳасиз, бу бизнинг заминимизда тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкам кафолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда” [3]. Айниқса, Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглиқ муносабатларининг таъминланиши, аввало, динлараро зиддиятларнинг олдини олиш орқали турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳамкорлик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликнинг шаклланишига замин яратмоқда. Мазкур омил юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавият ривожига бевосита хизмат қиласи.

Жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзабр муаммоларини бартараф этиш борасида давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган

ташаббусларни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу соҳадаги ташаббус ва илғорғоялар бугунги кунда дунё миқёсида ҳам илгари суримоқда. Ҳозирги нозик ва айни пайтда, ўта мураккаб шароитда миллатлараро тотувлик ва конфесиялараро ҳамкорликни таъминлашда маърифат билан курашиш муҳим аҳамият қасб этади. Жаҳолатга грифтор этувчи экстремизм, халқаро терроризм ва мутаассибликка қарши курашда маърифатни тарғиб этиш ғояси бугунги кунда дунё миқёсида бош мавзуга айланиб улгурди. Давлатимиз раҳбари 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида дунёда терроризм таҳдидлари сўнгти йилларда, айниқса, кучайиб бораётгани, уларга қарши куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётгани, бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинаётганини, халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этишини алоҳида таъкидлаган эди. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг “*Маърифат ва диний бағрикенглик*” деб номланган маҳсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қиласар экан: “Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро хурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилган. ...Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти айнан шунда мужассам, деб биламиз” [5], дея алоҳида таъкидлаган эди.

Бугунги кунда дунёning турли минтақа ва давлатларида содир бўлаётган аянчли воқеалар таҳлили оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот технологиялари, жумладан, интернет тизими, ижтимоий тармоқлар ва электрон нашрлар кўп ҳолларда айрим бузғунчи кучлар қўлида турли сохта,

заарли ғоя ва мафкураларни тарғиб этишнинг қулай ва тезкор воситасига айланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Бу каби таҳдидлар миллий ва умуминсоний қадриятларнинг емирилишига, зўравонлик, инсон тақдири, жамият ҳаётига беписандлик, масъулиятызлик, лоқайдлик, андишасизлик, беҳаёлик каби иллатларнинг илдиз отишига замин яратмоқда. Натижада, одамзотнинг ўз тарихий, диний, миллий-маънавий илдизларидан узилиб қолишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ҳолат, жаҳондаги кўплаб давлатларда умумий тенденцияга айланиб бормоқда.

Хуоса қилиб айтганда, “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содик бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ахиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир [8]. Зеро, халқимиз маънавиятига хос бўлган миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитининг ҳукм суриши жамиятда ғоявий бирдамликнинг таъминланишида муҳим ўрин тутади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январ ПФ-60-сон фармони. <https://lex.uz/docs/5841063#5844491>
2. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони <http://aza.uz/oz/documents/millatlararo-munosabatlar-va-khorizhiy-mamlakatlar-bilan-d-s-22-05-2017>
3. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил

этилганининг 25 йиллигига бағишенган учрашувдаги нутқи.

<http://www.aza.uz/oz/politics/millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-f-24-01-2017>

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқорорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи //Адолат, 2017. – № 24. – Б.1-2-3

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади <http://aza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.aza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliisy-28-12-2018>

7. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O‘zbekiston, 2021.